

ний тарбия ва спорт жа-
йти Марказий кенгаши-


ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримов Республика Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзлаган нутқларида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳақида гапирар экан: «Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош меzon унинг ишни ташкил қила биллиш қобилиятидир», деб таъкидлаган эдилар. Тошкент шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида ана шундай ишнинг кўзини биладиган раҳбарлар, ташаббускор ва фидойи меҳнат жамоалари оз эмас. Улар бугунги иқтисодий тағлиқ шароитларида ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Маълумки бозор муносабатларига ўтиш кўп йиллар давомиде чамбарчас бўлиб кетган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши билан боғлиқ мураккаб бир шароитларда рўй бермоқда. Ана шу қийинчиликларга қарамасдан ташаббус-

кор, тадбиркор, ишбилармон меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш суръатларини пасайтиришга йўл қўймаётлар. Улар барча имкониятларни ишга солиб, урдабуронлик кўрсатиб олға сари дадил одим отмоқдалар. Бу билан Ўзбекистон Республикасини мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш шундай ташкил этилмаган.

Муҳбирларимиз Тошкентдаги қатор меҳнат жамоаларида бўлганларида ана шундай тадбиркорларга, айни пайтда ҳақиқатан ҳам мавжуд қийинчиликларни баҳона қилиш билан чекланаётган жамоага дуч келдилар. Уларнинг бири учун «Ишлагани хоҳлаган имконият қидиради», иккинчиси эса «Ишлагани хоҳлаган баҳона қидиради», деган халқ нақли жуда ўринлидек туюлди...



Чилонзор даҳасини 19-мавзесида яна бир муҳташам бино қад кўтармоқда. Бу бино келажакда «Советстат» қўшма корхонаси меҳнатқилларининг янаш жойларига айланади. Бу ерда тиклаш ишлари олиб бормоқда. Уни 1-ўйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармасининг

бунёдкорлари олиб бормоқда. Шунини қувончлик билан биринчи қаватдан дўконлар ҳам ўрни олади.

СУРАТДА: қурилиш майдониде иш қизғин.

Андрей Пшенинко сурати.

ИСЛОҲОТ УФҚИ

мони шундаки, бу ускуналарнинг 75—80 фоизи хорижий мамлакатларда тайёрланган бўлиб, ихчам ҳамда сифатли, жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши билан МДХ да тайёрланган ускуналардан ажралиб туради. Яна шу нарсани мамнутий билан қайд этиш ўтиш мумкинки, кейинги бир-икки йил ичида корхона кўпгина хорижий — Италия, Германия, Испания, Буюк Британия, АҚШ сингари саноати ривожланган мамлакатлар фирмалари билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузди. Ҳозирги кунда комбинат бошқа саноат корхоналаридан беш жикхата билан фарқ қилади: биринчидан, иқтисодий бўҳронларга қарамай, бирлашма ишлаб чиқариш режаларини бажариб келади; иккинчидан, баъзи корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмлари кемайиб, ҳодимларни иқсарттириш пайига тушган бир пайтда, комбинат янги пардозлаш фабрикасини қуриб ишга тушириш ҳисобига юзлаб кишиларни иш билан таъминлади; учинчидан, корхонадаги иш ҳақида ҳатто чайковчилар ҳам ҳавас қилса арзийди. Чунки бирлашмадаги ўртача иш ҳақи бошқа саноат корхоналариникига қараганда уч-тўрт баробар кўп; тўртинчидан, аксарият корхоналар ишлаб чиқаришга маҳсулот эвазига олдиндан фойда билан иш ҳақини «ямаб» турган бир пайтда бирлашма янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга, техник жикҳозлашга, иқтисодий соҳалардаги сарф-ҳаражатларни қўпайтиришга муваффақ бўлмоқда; ва ниҳоят, бешинчидан, бирлашма ташқи иқтисодий алоқалар бобиде гап-сўздан аллагазон амалий ишга ўтиб бўлди.

Хорижий давлатларнинг саноат фирмалари, дейди корхона бош директори Ботир Ўргачев, — Биз билан ҳамкорлик қилишга иштиёқ кўрсатмоқдалар. Ўтган 1990—92 йиллар мобайнида бирлашмамиз бир қанча хорижий фирмалар: жумладан Германиянинг «Байкок» ҳамда «Тисс», Швейцариянинг «Хаммель», Италиянинг «Генсурс-Винчентина» сингари қатор фирмалари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар очиш тўғрисидаги шартномаларга имзо чеккан эдилар. Айни пайтда вақтида тузилган бу шартномалар ўз самарасини бермоқда.

Биргина ил фабрикасидаги эски эшик-калавалаш машиналари ўрнига замонавий машиналар ўрнатиш босарида Швейцариянинг «Хаммель» фирмаси билан имзоланган шартнома бос бирлашма йилгига 380 миллион дона ил-ғалтак ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. Ҳақиқатан ҳам бирлашма кейинги йилларда кўпгина хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиш эвазига жаҳон андозасидаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатини ўстиришга эришмоқда. Ўтган йилнинг май ойида Италиянинг «Генсурс-Винчентина» фирмаси билан беш миллион метр жикса газмоли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона очиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ҳозирги кунда бу борада лойиҳалаштириш ишлари олиб бормоқда.

«Тошкент тўқимачилик комбинати» корхонаси матъмурияти ташқи иқтисодий алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ниятида.

Маҳсулотларимизни жаҳон бозорига чиқариш учун, — деб гапирди давом эттирдиган бош директор, — Хорижий ишбилармонлар билан янада назил ҳамкорлик қилишимиз даркор. Бизда энг асосий нарсас, ҳам ашё ва меҳнатсевар жамоа бор. Биз ишчиларимизни ҳар томонлама моддий-маънавий томондан рағбатлантиришимиз, меҳнатига яраша эъозлашимиз керак. Ана шундай йўл тутганимиздагина — биз Тошкент газмолининг жаҳон бозоридеги илгаричи шукратини тиклай оламиз.

Лайло НУРМАТОВА.

ҲОЗИРГИ кунда қайси бир корхонага борманг, ҳам ашёнинг йўқлигидан шикоят қилишадди. Бу тўғри. Чунки Иттифоқ парчалашиб кетгандан кейин корхоналар ўртасида шартномавий мажбуриятлар сурункасига бажарилмай қолди. Маҳсулот нархлари ошди. Натижада корхоналарда ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетди.

Ленин шу муаммолар ечимини топаётган ямаолар республикамизда, қолгавсра шаҳримизда қўлаб топилади. Бунга мисол тариқсиде пойтахтда энг катта саноат даргаларидан бўлган «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини келтирса бўлади. Бирлашманинг тўла қувват билан ишлаши учун, ҳозир йилгига 90 минг тонна металл керак бўлади. Корхона цехлари бир кўпнинг ўзиде 400 тонна металлни ишлатади. Рақамлардан маълум бўлиптики, жамоани ана шу маҳсулотлар билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бироқ тракторсозлар ҳозир ана шу маҳсулотлар билан ўзларини тўла таъминлаб турмоқда. Табиийки, режалар ҳам ўз вақтида бажарилмоқда. Шу йилнинг беш ойини шартномавий

ҚАЛОВНИН ТОПГАНЛАР

лан, илгарилари корхона марказдан таъминланарди. Илгаричи «Союзглавметалл» ўрнига ҳозир «Ростгавталоппорт» фирмаси ташкил этилди. Бирлашма ана шу ташкилот орқали ҳам ашё олиш учун буюртмаларни расмийлаштирди. Ленин ордан бироз вақт ўтгандан кейин металургия корхоналари бу буюртмаларни бажаришдан бош тортишди. Жамоа юқоридеги корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш

га киришди. Бунда ҳам муаммолар мавжуд. Айни пайтда бир корхонадан иккинчиси, айниқса, Ҳамдустлик давлатларида жойлашган заводларга пул ўтказиш қийин бўлиб кетди. Мисол учун шу йил январь ойида корхона мустақил Ҳамдустлик давлатлари худудиде

ги корхоналарга 1 миллиард 300 миллион сўм пулни жуда қийинчилик билан ўтказди. Ҳозир пул ўтказиш жараёни уч ойгача вақтин олмақда. Кейин бу пуллар ўша корхонага етиб боргунча ҳам ашёнинг нархи ўзгариб, қимматлашиб кетмоқда.

Аммо ҳалқимизда қаловини топсанг, қор ёнади, деган гап бор. Тракторсозлар ана шу нақлга амал қилиб, қийинчиликларни бири-кетини бартараф этишмоқда.

Биринчидан, улар бир жойдан металл маҳсулотларини олиш учун учинчи корхона билан шартнома тузиш йўли билан бу муаммони ҳал қилишмоқда. Мисол учун яқинда Удмуртиядан ҳам ашё олиш учун Чирчик шаҳридаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинатини ишга солишди. Бирлашма мазкур корхонага пул ўтказди. Улар эса ўз навбатида Ижевск шаҳрида жойлашган металлургия завоидега ўз маҳсулотини юборади. Ана шундан кейин корхонага керакли бўлган металл маҳсулотлари кела бошлади. Иккинчидан, ҳам ашёни республикамизда жойлашган корхоналар билан алмаиш йўли билан олтишга ҳаранат қилишмоқда. Бирлашма бу борада чет эл билан ҳам алоқа қилишга уринмоқда. Масалан, Хитой билан ҳамкорликда «Митти» тракторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Германия ва бошқа мамлакатлардан ҳам ҳам ашё олиш давом эттирилмоқда. Хуллас, корхонада қилинаётган ишлардан ибрат олса арзийди.

Ғулом ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг доврўгини ким эшитмаган дейсиз. Ушбу корхонада ўз касбига меҳр ва ихлос қўйиб ишлаётганларнинг кўпчилиги шу билим даргоҳини туталлаган ёшлардир.

лар қарор топган. Корхоначин маънода ҳунар масканига оталиқ қилиб келмоқда. Бинобарин, илгари у бирлашма ёнидаги эски бинада жойлашган бўлса, мана ўн уч йилдирки, ёшлар «Феруза» мавзесидаги янги замонавий бинада касб ўрганамоқдалар.

* Ҳунар масканларида

ИШЧИ КАСБИГА ЎРГАТИБ

Бундан роппа-роса эллик бир йил муқаддам — сурончи 1942 йилда завод қосида очилган билим маскани ўтган давр мобайнида минг-минглаб малакали ишчилар тайёрланди. Уларнинг ихтисослари ҳам ҳар қил. Мураккаб дастохларда ишлайдиган электр газ пайвандчилар, электр йиғувчилар, авточилангар, механик-йиғувчи чилангарлар, маҳсулот сифати назоратчилар, электрон ҳисоблаш машиналарининг техник таъмирловчилари ва электр механиклар каби касблар шулар жумласидандир. Кейинги йилларда бундан бери бу ерда янги ихтисосликда ҳам ишчилар тайёрланмоқда. Саноат асбоб-ускуналарини таъмирлаш чингаридан чилангарлик ва ёилган қўйиш шохобчалари учун операторлик ихтисослиги фикримизнинг далилидир.

Билим юрти билан бирлашма ўртасида яхши алоқа-

Ҳунар маскани янги дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, 7 ўқув биносидан ташқари ётоқхона, ошхона, спорт иншоотлари ва ўқув ишлаб чиқариш устакхоналарига эга.

Билим юртида кейинги пайтларда кўпгина хайри тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янгиҳа ўқув жараёниларини ташкил этиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш каби режалар пухта ўйлаб қилинган. Шунингдек бу ерда Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотлари давлат комитети тасарруфидати ёнида қўйиш шохобчаларига ҳам операторлар тайёрлаб берилмоқда. Ишлаб чиқаришдан тушган маблаг ўз самарасини берапти. Шунинг ҳам айтиш кераки, билим юрти ўтган давр ичиде қўшн Козовнинг, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россия Федерация-

сидан бу ерга ҳунар ўрганишга келган кўпгина ёшларга касб сирларини ўргатди.

Билим юрти том маънода байналмилалдир. Бу ерда турли миллат ва эллатга мансуб бўлган мураббийлар ёшларга билим беришади. Улар орасида олий тоифали ўқувчи ва устازلардан А. Солиқова, Д. Қодирова, Е. Маҳмудова ва хорижда ўз малакасини ошириб келган уста В. Грачев ҳамда С. Потколин, қирқ йилдан беш ёш мутахассисларга мураббийлик қилиб келадиган С. Шемелев ва К. Дауровларни учратиш мумкин.

Билим юртида ўқувчи ёшларни бунд таъминоти намунали ўтказишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Зарурий гарча шарт-шароитлар яратилган. Ётоқхонада дарс хоналари, спорт ишлари билан шуғулланувчи хоналар ташкил этилган.

Шу ўринда бу ерда олиб борилаётган яна бир хайри ишни айтиб ўтмоқ жоиз. Ёшларни кўпроқ жалб қилиш мақсидида Тошкент шаҳридаги мактаблардан битирувчи ўқувчиларни бу ерга олиб келиб ҳунар ўрганиш жараёнилари билан яқиндан таништириш ағъаната айлانган.

Билим юртида 18 та гуруҳ бўлиб унда 500 дан зиёд ёшлар ишчи касбининг эъламолқудалар. Бу ерда тил ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Рус мильлатига мансуб ёшларга давлат тилини ўргатишда Абдураҳмон Дўстмуродов бошқараётган «Ўзбек тилини ўрганиш» курси яхши натижа бермоқда.

Ўтганжон

АБДУРАҲМОНОВ.

* Шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитетида

ҚАЧОН ХУЛОСА ЧИҚАРАСИЗ?

1993 йил май ойида Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитети томонидан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаб ва қондаларининг бажарилиши бўйича 62 бора текширув ўтказилди. Бунда 35 саноат корхонаси, 22 ички ва қўшма ҳамда 6 та автотранспорт корхонаси диққат марказида бўлди. Текширишлар давомиде 2892 ҳавога чиқиндилар чиқариш манбалари аниқланиб, назоратдан ўтказилди ва 921 манбадан ҳавога зарарли чиқиндилар чиқиши ва уларнинг 267 таси тозалаш ускуналари билан жиҳозланганлиги қайд этилди. 118 та назоратдан ўтказилган чанг тозалаш ускуналаридан 7 таси умуман ишлатилмаган, 4 таси эса қонинарсиз ишлаган. Ой мобайнида биричиде тозалаш ускуналари ишга туширилмаган.

Ўтган ойда 29 масъул шахсга ҳаво муҳофазаси бўйича жами 85200 сўм жарима солинди. 10 та корхонанинг атмосфера ҳавосини бузадиган ишлаб чиқариш бўлиmlарини беркитиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарилиди. 3 таси эса ёпиқ қўйилди. Тошкент таъмирлаш меҳнатика корхонасининг 1,2-металлни тозалаш бўлими, «Дийёр» агрофирмаси, Тошкент таъмирлаш механика корхонасининг бўёқ бериш бўлиmlари шулар жумласидандир. Текширишлар шуни кўрсатдики, 1-ёғочни қайта ишлаш корхонасида чанготиқч ускуналари бузилган ҳолда ишлатилмоқда. «Полимер» бирлашмасида ҳавога чиқиндиларни чиқариш тўғрисидаги рухсатномаларнинг муддати тугаган. Шу билан бирга лак-бўёқ чехида чанготиқч ускунаси бузилган. Ҳавонин чангдан тозалайдиган ускуналар учун паспорт жорий этилмаган ва у шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитасида рўйхатга олинмаган.

Трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитети томонидан берилган қарор, далолатнома ва талабларнинг бажарилиши устидан суст назорат олиб бормоқда. Натижада 1, 16, 24-бўёқ бериш бўлиmlари ҳамда 51-цехнинг тупроқини тайёрлаш бўлимини беркитиш тўғрисида қарор чиқарилиди. Бирлашма бош муҳандиси ҳамда мазкур бўлиmlарнинг бошлиқларига жарималар солинди.

Ўтган ой давомиде 437 автомобилнинг ҳавога зарарли газларини чиқариш ҳолати текширишдан ўтказилди, шун-

дан 37 автотранспорт воситасининг ишчи қонинарсиз деб топилди ва созлашга юборилди.

Шунингдек, сув манбаларини муҳофаза қилиш масаласи бўйича 43 та текшириш ўтказилди. Корхоналарда аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича 199 та йўриқномалар тузилди ва 65 та корхонанинг масъул ҳодимларига 23 минг сўмдан зиёд жарима солинди. Шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳсул лабораториясининг текширишлари бўйича май ойининг бошида 4-автотбус корхонасининг оқава сувларида белгиланган меъёрдан 388 марта юқори бўлган нефть-мой арамалашлари каналга оқизилган. Комитет назоратчилари томонидан автобусларни ювиш иктугалари беркитиб қўйилди ва корхона раҳбарларига 19 минг сўм жарима солинди. Қўмита томонидан сувга етказилган зарарни ундириш учун ҳисобитоб ишлари олиб бормоқда.

Шуни айтиб ўтиш кераки, бу корхонада сувни муҳофаза қилиш ишлари етарлича эътибор берилмапти. Сув тозалаш иншоотлари чиқиндилардан ўз вақтида тозаланмайдиган ва умуман ишпоотдан фойдаланиш қондалари фойдаланиш қилинмайдиган. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома ва оқава сувлари каналга тушириш бўйича белгиланган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Ўтган ойда Шайхонтоҳур туманидаги оқиб ўтаётган Заҳ ариғига 98-мактаб-интернат ҳудуди орқали тумандаги 3-иссиқхонадан 45 тонна туз чиқиндилари олиб келиб ташланган. Натижада сувда тузнинг миқдори 300 маротаба кўпайган, сув ўсимликлари ҳамда тирик мавжудотлар ҳаёти ҳавф остида қолган.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни бузганлиги учун мактаб-интернат раҳбарига 3 минг сўм, «Иссиқлик маркази» масъул ҳодимларига 27 минг сўм жарима солинди.

«Гап кўп — кўмир оза», дейди ҳаққини: Табиатни муҳофаза қилишда тақдирлар жарималар жуда ҳам кўп бўлипти, аммо жикойиб натижадан эса ҳаққон дарак йўқ. Оқибатда экологик мураккаблилар кучаймоқда. Бунини қачон жиддий ўйлаб қўрамиз, ахир?

Муборак ХОНХУЖАЕВА, Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитети масъул ҳодими.



Тикувчилик сир-асорларини пухта эгаллаган 1-ойнабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-бўлими тикувчиларининг маҳсулоти сифатининг билан алоқиде акралаб туради. Айниқса, шу бўлимининг ёш тикувчилари шу Мамлакат Ҳуснов ва Насиб

Муродовларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ. Улар ёш бўлишларига қарамай ўз касбларининг устаси ҳам саналади. СУРАТДА: (чапдан) Мамлакат Ҳуснов ва Насиб Муродовлар тикилган ишнинг чокнини кўздан кечирмоқда. Холат Мизрақовнинг сурати.

* Спорт

* Спорт

* Спорт

* Спорт

* Спорт

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг биринчи давра ўйинлари низога келди. Ундаги вазиятга бундан қўйидаги ном бериш жоиз бўлади, «Нефтчи», «Пахтакор» ва бошқалар.

Чунки бу йил ҳам ўтган чемпионатдагидек асосий кураш Фарғона ва Тошкент вакиллари ўртасида бораётди. Бир жиҳатдан олганда, бу қонуний ҳолат. Масалан, «Нефтчи» жамоаси мураббийлари Юрий Саркисян, Лев Вахтинлар бу ерда узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келишди. Ўтган давр мобайнида эса клубни ҳар томонлама мустахкамлаб олишга эришилди. Қолаверса, фарғоналик мухлислардан бермай иложини йўқ. Мингмиглаб футбол иштирокчилари «Нефтчи»ни қўллаб-қувватлаш учун ўз ҳисобларидан бошқа вилоятларга, республикамизнинг энг чека шаҳарларига ҳам боришдан таймландилар. «Нефтчи»нинг чемпионатдаги муваффақиятлари қатъийан сабабини унинг таркибидеги кучли, маҳоратли йигитларнинг тўплангани билан ҳам изоҳлаш мумкин бўлади. Қириқтилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати (36-11) ҳам «Нефтчи»нинг ҳимоя, ҳужум қизиқларидаги вазият қониқарли эканини кўрсатиб турибди.

«Пахтакор» ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Албатта, мавсум бошларида, умуман олганда сўнгги уч йил ичида беш мураббийлар шунчалар тез ўзгариб турдики, бу ҳолатнинг жамоа ўйинига салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Лекин, очирини айтиш керакки, республикамизнинг нуфузли жамоаси айни даврда кўп йиллар давомида сайқаллаб олган маҳорати, техникаси ва бошқа клубларнинг таърибасизлиги, ёшлиги ҳисобигагина юқори ўринларни эгаллаб турибди.

Ҳар қуни матбуот саҳифалари орқали исми шарифлари тез-тез тақдорланиб турган футболчилар — Миржалоҳ Қосимов, Шухрат Мақсудов, Нўмон Ҳасановлар ҳам футболга бугун кириб келганлари йўқ.

Ашаддий иштироклари Самарқанднинг «Динамо» жамоасининг собиқ СССР чемпионатининг иккинчи лигасида ўйнаган даврлари.

ни яхши эсласалар керак. Ўшанда улар бир неча йил давомида ўз зоналарида ғолиб чиққан, собиқ иттифоқ Кубоги ўйинларида ҳам қатор номдор жамоаларни доғда қолдирганлар. Бугунги «Динамо»ни эса ўша номдор жамоа билан таққослаш нўрин бўлади. Чунки биринчи давра якунларига кўра самарқандликлар 15 учрашувдан 11 очко тўплаб, жадалнинг 13-поғонасини эгаллаб турибдилар. Қўйидаги жамоалар билан орадаги фарқ шунчалар ози, биттагина мағлубият уларни янада қуйроққа тортиб кетиши ҳеч гап эмас.

«НЕФТЧИ», «ПАХТАКОР» ВА БОШҚАЛАР

Хўш, қачонлардир Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан майдонда «жон олиб, жон берган» «Динамо»га нима бўлди? Унинг бундай муваффақиятсизлиги боиси нимада? Агар биз яқин ўтмишга қайтайдиган бўлсак, ўша машҳур «Динамо» таркибининг асосий қисmini четдан тақлиф этилган спортчилар ташкил этганини кўрамиз. Бугун эса клубнинг таъини шун ерда туғилиб, воқеа етган беш футболчилар бўлиб қолди. Асосий эътибор жамоани маҳаллий йигитлардан таркиб топтиришга қаратилмоқда. Уларнинг ўз ўйинини топиб олиши учун бироз вақт керак бўлади.

Яна ким билади, дейсиз? Маълумотларга қараганда «Динамо»ни чемпионатга тайёрлаган Рустам Истамоилов ҳам мураббий этиб бошқа одам тайинлангани. Олтириш кечувда алмашириш янада салбий оқибатларга олиб келмасинки?

«Орол» мавсум бошидан буён турнир жадалининг ўрталарида мустахкам жойлашиб олди. Агар

улар чемпионатнинг иккинчи давра ўйинларини ҳам мана шундай натижа билан якунласалар, бу қоралловистонлик спортчиларнинг катта ютуғи бўлади. Чунки жамоа чемпионат олдигагина қайтадан тузилди, бир неча ойлаб маош ололмайд тарқаб кетган ўйинчилар клубга тақлиф этилди. Ўнг муҳими «Орол» Қорақалпоғистондаги биринчи профессионал футбол клуби мақомига олиб, ўзининг бадавлат ҳомийсига эга бўлди.

Миллий чемпионатнинг олий лигасига ўтган йили йўлланма олган жамоа — «Политотдел» ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Чемпионатнинг дастлабки икки турида ғалаба қозонгани «Политотдел»нинг мутахассислар назарига тушиб қолганига сабаб бўлди. Лекин, очирини айтиш керакки, дастлабки рақиблари кучли клублар эмас эди. Учинчи турдан бошлаб эса у кетма-кет олти мағлубиятга учради. Ҳозирда «Политотдел» жадалнинг 12-поғонасини банд этиб турибди. Лекин нафақат олий, балки биринчи лига жамоаларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, «Политотдел» Ўзбекистоннинг энг ёш клуби саналади. Ўйинчиларининг аксарияти 1974-1975 йилларда туғилган. Орадан бир оз вақт ўтгач ёшлик куч-ғайратига тажриба ҳам қўшилса ўзбек футболининг яна бир кучли жамоага қўйилиши ҳеч гап эмас.

Чемпионатнинг биринчи давра якунларига оид умумий ҳисобларга келсак, бу йилги мавсум ҳали бери яқинида футболчиларнинг кашф этилиши, деярли йилдан буён футболчиларимизнинг майдонда ўзини тўғилиши, рақибини ҳурмат қилиши талаб даражасида эмас. Аксарият ўйинчиларимиз атрофларидан йигитлар ҳам худди ўшанга кириб спортчи эканини унутиб ўзим жон, кўланам майдон, деярли қилмоқлар чоғи. Бунинг биринчи давра мобайнида ҳакамлар томонидан соф-саноксиз оғохлан-тириш берилгани, айрим қондабузларнинг майдондан чиқариб юборилгани ҳам исботлаб турибди. Футбол — бу мардлар ўйини. Шундай экан, рақибини ўзини ҳурмат қилгандай изазат этмоқ, унга онгли равишда озор беришдан тийилмоқ, фақат орийатли, гурури банд спортчиға хос.

Шухрат АРМОН.

ЮКСАК НАТИЖА

Яқинда Қарағанда шахрида таниқли спорт устаси Ердик Аҳмедов хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Россия, Қўғозистон вакиллари билан бир қаторда иштирок этган юртимиз спортчилари юксак натижаларга эришдилар.

Мусобақа якунига кўра ҳамшаҳарларимиз В. Шарипов, А. Багдасаров, са-

Шариф ЗОҲИДОВ.



Шарқона беллашулар республикамизнинг турли вилоятларида ўтаётган халқ сайилларининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Сиз суратда Ургутда бўлиб ўтган байрам тантаналарида маҳоратини намойиш этаётган беш ўзбек каратэчиларини кўриб турибсиз.

Муҳаммад Амин сурати.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Шаҳримиздаги Улуғбек номи истироҳат боғида Тошкент шаҳар физкультура ва халқ таълими бош бошқармалари, бошқарма жамғармачи ҳамкорлигида мактаб-гача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида уюштирилган анъанавий спорт-соғломлаштириш спартакиадасининг якуновчи босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахт туманларида ўтказилган илк босқичда ғолиб чиққан 30 дан ортиқ боғча-нинг 700 тарбияланувчиси-

дан иборат жамоалар дастурдан ўрин олган маданий кўргазмани чиқиш, эстафета (копекта ва арчамчи ёрдамида), жойидан туриб узунлик-на сакраш машқлари бўйича беллашдилар.

МУКОФОТ ЭРОНДА ҚОЛДИ

Техронда Эрон, Покистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатлари терма жамоалари иштирокида футбол бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Афсуски, Ўзбекистон терма жамоаси Номаълум сабабларга кўра мазкур турнирда қатнашмади.

Финал баҳсида Тожикистон вакиллари мағлубиятга учратган эронликлар ва

Шаҳбоз ЗОИРОВ.

ЙИРИК ҲИСОБ БИЛАН

Ўтказилган 120 учрашувнинг 24 таси уч ва ундан ортиқ тўп фарқи билан якуланди. Ҳозирча ушбу соҳанинг Фарғонанинг «Нефтчи» ҳамда «Пахтакор» жамоаси даъвогарлиги қилишмоқда.

Фарғоналиклар беш марта йирик ҳисобда («Шифокор» — 6:1, «Янгир» — 5:1, «Политотдел» — 4:0, «Динамо» — 4:0, «Трактор» — 3:0) зафар қучган бўлсалар, «Пахтакор» футболчилари тўрт бор («Янгир» — 3:0, МХСК — 6:1, «Шифокор» —

6:1, «Политотдел» — 4:1) шундай ғалаба қозонишди.

Тошкент вилоятининг «Политотдел» жамоаси уч марта йирик ҳисобда рақибларини доғда қолдирди («Янгир» — 4:0, «Косиносой» — 4:1, «Динамо» — 3:0). Шунингдек, МХСК, «Навбахор», «Сўғдиёна», «Янгир» жамоалари футболчилари ҳам икки мартадан, «Наврўз», «Нурафшон», «Косиносой» ҳамда «Чирчиқ» жамоалари бир мартадан шундай кўрсаткичга эришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Х. З. КАЛОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш (БҲТ) соҳасидаги касбларни эгаллаш истагида бўлган барчага

БИЛИМ ЮРТИ

педагогик технологияларнинг янги кўринишларини, таълимнинг янги тизими (интеграл ва кўп тенгзамли ўқув режаларини, яқна тартибдаги ўқув режаси фанларини танлаш, фанлар бўйича тест синови, руҳият-педагогика ташхиси ва ҳоказолар)ни

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Олий ҳунар билим юртининг бош меҳмони узлуқсиз касбий таълим тизимидан иборат. Таълимнинг ҳар бир йили — қўлга киритилган касб ва ўз билимлари ҳамда кўч-ғайратини халқ хўжалиги соҳаларига тадбиқ этиш учун ишлаб чиқариш даргоҳига йўл олиш имоини янги деманди. Ҳар бир йил — таълимнинг навбатдаги босқич тавлоғида иштирок этишдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига ЯАТ ва БҲТ соҳасида ишчида тортиб то муҳандис малакасига эга бўлган бир неча ихтисосни эгаллаб чиқиш имкониятини беради.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 6 йилгача.

Ўқишга Тошкент шаҳрида қайд этилган, ўрта мактабларнинг 9- ва 11-синфларини битирган шахслар қабул қилинади.

Таълим — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Танлов саралаш 3 босқичда ўтказилади.

1-БОСҚИЧ — фан бўйича тест синови: БҲТ — диктант, матнларни аннотациялаш ва таҳрир қилиш;

ЯАТ — ПЭХМда математика.

II-БОСҚИЧ — ПЭХМда мантиқий тест синови.

III-БОСҚИЧ — руҳият-педагогика тест синови.

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ

Биринчи давра (фақат БҲТ йўналиши учун):

Консултациялар ва тест синовлари — ҳужжатлар тушунтиришга қарай ўтказилади.

Танлов саралаш натижалари — 1 июлда якунланади. Иккинчи давра (ЯАТ ва БҲТ йўналиши учун): Ҳужжатлар танловига 10 августда қабул қилинади. Консултациялар — 1-10 август кунлари ўтказилади.

Танлов саралаш 11 августдан 21 августгача ўтказилади. Майжамия: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10, 44, 56, 85, 88-автотўловнинг «Семашко» номи институт бекети).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73, 34-52-50.

«АЗИЯ—КОНТИНЕНТАЛЬ»

МТД БИЛАН

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНГ!

ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ — МАХСУС ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ — АҚЛ БОВАР ҚИЛМАС ХИЗМАТЛАР

Муассасалардаги телефон станциялари — жаҳонга машҳур SIEMENS, TEIENORMA ва ҳоказо фирмаларда ишлаб чиқарилган телекоммуникация воситаларининг янги туркум вакиллари бўлиб, улар муассасалар, саноат корхоналари, энергетика ва транспорт корхоналари, меҳмонхоналар, банклар ва бошқа идоралар учун мулккаланган.

Ўзининг бажарадиган вазифаларига кўра бу тизимлар умумий қабул қилинган вазифалардан ташқари, оператив (директорлик, диспетчерлик) алоқани амалга ошириш, фармойиш бериш, излаш, селектор алоқаси, конференция-алоқа тармоқларини ташкил этиш, шунингдек маълумотларни узатиш учун фойдаланилиши мумкин.

Улар Сионинг истак-хўшларини ва талабаларини мувофиқ тўлиқ жамланган, шунингдек тўлатуни сервис билан таъминланади, яъни монтаж, соғлаш, кафолат хизмати ана шулар жумласига ки-ради.

Сиз Виздан фақат ускуна-нанинга топиб қолмасдан, балки алоқа билан боғлиқ муаммоларининг ҳам те-намюрлик билан самара-ли тарада ҳал қилган бў-ласиз!

Тошкентдаги омбордан сотилади.

Ҳақ тўлаш усули — турлича.

КОРХОНАМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 59-уй. МТД «Азия-Континенталь».

Телефонлар: 32-22-07, 68-16-42. Факс 68-14-11.

Миробод тумани ҳокими маҳкамаси туман проку-рори М. Ю. Ҳўжаевага уқаси Сайдулла ХУЖАЕВИНИ вафот этганини муносибати билан чуқур таъзия наҳр қилади.

Тошкент давлат маҳсу савдо таъминот идораси жамоаси «ТошдавМСТИ» ходими Рихсеной КАРИМОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, мар-ҳумнинг оила аъзоларига таъзия наҳр қилади.

СЎНГГИ ВАЗИЯТ ЖАРИМАЛАР ЖАФОСИ

	У	Ю	Д	М	Т—Н	0
«Нефтчи»	15	11	3	1	36—11	25
«Пахтакор»	15	10	3	2	34—13	23
«Навбахор»	15	8	5	2	25—12	21
«Сўғдиёна»	15	7	6	2	23—12	20
«Наврўз»	15	6	5	4	22—10	17
«Нурафшон»	15	6	4	5	22—14	16
МХСК	15	6	4	5	25—24	16
«Темирйўлчи»	15	6	4	5	13—12	16
«Орол»	15	6	2	7	18—23	14
«Косиносой»	15	4	5	6	18—20	13
«Янгир»	15	4	4	7	18—26	12
«Политотдел»	15	5	1	9	21—27	11
«Динамо»	15	5	1	9	12—25	11
«Чирчиқ»	15	4	1	10	23—30	9
«Шифокор»	15	4	0	11	12—44	8
«Трактор»	15	2	4	9	7—21	8

ЭСЛАТМА: иккинчи устун оғохлан-тириш (1 очко), учинчи устун бир йўлда икки марта оғохлан-тириш (3 очко), тўртинчи устун майдондан четлаш (5 очко), бешинчи устун жарима очко.

ТЎПУРАРЛАР МУХЛИСЛАР

Жами	Ўз май-донин-да	Ўз май-донин-да	1-чи бўлим-да	2-чи бўлим-да	п-наль-тидан
Шухрат Мақсудов («Пахтакор»)	12	8	5	3	1(1)
Рустам Дўрмонов («Нефтчи»)	9	6	3	3	1(1)
Алексей Кориненко («Чирчиқ»)	8	6	4	2	—
Фарҳод Кодиров («Наврўз»)	7	4	2	3(4)	—
Мақсуд Абдуллаев («Орол»)	6	4	3	—	—
Азамат Абдураимов («МХСК»)	6	6	1	2(2)	—
Алексей Винников («Политотдел»)	6	4	—	2(2)	—
Бахтиёр Давлатов («Янгир»)	6	5	2	1(1)	—
Екуб Иминов («Наврўз»)	6	4	3	—	—
Валерий Кечинов («Пахтакор»)	6	5	2	1(1)	—
Неъматилла Куттибоев («Орол»)	6	5	1	1(2)	—
Низом Насриддинов («МХСК»)	6	4	3	—	—
Олим Тиллаев («Нурафшон»)	6	4	2	1(1)	—



Ўтган йилги миллий чемпионатнинг маҳр ўйинчиларидан бири Илҳом Шарипов тўп билан.


* Спорт

* Спорт

* Спорт

* Спорт

* Спорт



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг руҳияти олинган. Рўйхат соин — 000101.

Шанба ва якшанбадан таъшир ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

Тошкент оқшоми

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлиги уларни берган таъшилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—120. 19899 нускада босилди, ҳажми — 2 босма таъбик. Офсет усулида босилган, Қўғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.